

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

РИХСИЕВА НАЗИРА ТАХИРОВНА

**БОЛАЛАРДА БИРЛАМЧИ ГИПЕРПАРАТИРЕОЗДА
ПАРАТИРЕОИДЭКТОМИЯДАН КЕЙИНГИ УЗОҚ МУДДАТЛАРДА
ҲАЁТ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ**

14.00.03 – Эндокринология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

УЎК: 616.441-008.61-053.2/.7-089:612.013

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Рихсиева Назира Тахировна

Болаларда бирламчи гиперпаратиреозда
паратиреоидэктомиядан кейинги узок муддатларда
хаёт сифатини баҳолаш..... 3

Рихсиева Назира Тахировна

Оценка качества жизни после паратиреоидэктомии
при первичном гиперпаратиреозе у детей
в отдалённом периоде..... 27

Rikhsieva Nazira Takhirovna

Long-term assessment of quality of life after
parathyroidectomy in primary
hyperparathyroidism in children..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 53

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

РИХСИЕВА НАЗИРА ТАХИРОВНА

**БОЛАЛАРДА БИРЛАМЧИ ГИПЕРПАРАТИРЕОЗДА
ПАРАТИРЕОИДЭКТОМИЯДАН КЕЙИНГИ УЗОҚ МУДДАТЛАРДА
ҲАЁТ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ**

14.00.03 – Эндокринология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Tib1820 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исмаилов Сайдиганиходжа Ибрагимович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шагазатова Барно Хабибуллаевна

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Рахимова Гульнора Нишановна

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2023 йил «_____» _____ кунни тарқатилди.

(2023 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

З.Ю. Халимова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда бирламчи гиперпаратиреоз қалқонсимон олди беши патологиясининг энг кўп тарқалган касалликларидан бири ҳисобланади. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «..дунёда эндокрин бузилишлар орасида бирламчи гиперпаратиреоз тарқалиши бўйича қандли диабет ва қалқонсимон без касалликларидан кейин учинчи ўринни эгаллайди...»¹. Бирламчи гиперпаратиреоз билан касалланиш вояга етган аҳолининг 1% да, 55 ёшдан катта аҳолининг 2% да кузатилади. Охирги бир неча йиллар ичида дунё бўйича бирламчи гиперпаратиреоз билан касалланиш 5 баробар ошган. Тиббий статистика маълумотларига кўра, бирламчи гиперпаратиреоз билан оғриган оилаларда 30% ҳолларда касаллик болаларда ҳам ўзини намоён қилади. Эпидемиологик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, охирги 10 йил ичида болаларда бирламчи гиперпаратиреознинг жадал ўсиб бориши кузатилиб, 23% дан 62% га етган. Патологик жараёнга кўпчилик аъзо ва тизимларнинг кўшилиши, эрта ўлим ва ногиронлик хавфининг болалар популяциясида юқорилиги, касалликнинг шаклидан қатъий назар, ҳаёт сифатининг пасайишига олиб келади. Бунда бирламчи гиперпаратиреозни даволашнинг асосий мақсади беморлар ҳаёт сифатини соғлом аҳоли даражасига етказишдир. Шунинг учун бирламчи гиперпаратиреозни даволашнинг самарали усулларини тўғри танлаш ва беморлар ҳаёт сифатини ўрганиш долзарб ҳисобланади.

Жаҳонда бугунги кунга қадар бирламчи гиперпаратиреоз билан оғриган болаларда касалликни эрта аниқлаш, асоратларини олдини олиш, беморлар ҳаёт сифатини ўрганишга қаратилган қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, болаларда ушбу касаллик муаммосига бағишланган бир қатор халқаро тадқиқотларда беморлар ҳаёт сифати ўрганилган. Бу касалликнинг ривожланиши ва реабилитация даврида, бирламчи гиперпаратиреоз оқибатида юзага келадиган жиддий бузилишларни аниқ тасвирлаш ва баҳолаш имконини берган. Кўпгина олимлар томонидан бирламчи гиперпаратиреоз юзасидан ўтказилган тадқиқотларда даволаш самарадорлиги биокимёвий кўрсаткичларга, суяк минерал зичлиги кўрсаткичларига йўналтирилган. Аммо, терапиянинг муваффақияти ва беморларнинг тикланиш даражаси паратиреодэктомиядан олдин бемор аҳолини ёмонлаштирган касаллик белгиларини бартараф этишга қаратилиши лозим. Шу сабабли болаларда бирламчи гиперпаратиреозни даволашдан кейин яқин ва узоқ муддатларда беморлар ҳаёт сифати кўрсаткичларини мониторингини ўтказиш олиб борилган даволаш натижаларни кўп қиррали баҳолашда алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимида туб ўзгаришлар амалга оширилиб, болаларда бирламчи гиперпаратиреозни ташхислашнинг самарали усулларини амалиётга тадбиқ этишда муайян

¹ World Health Report. Geneva: World Health Organization. Available from URL: <http://www.who.int/whr/2018/en/statistics.htm>;

ютуқларга эришилди. Эндокринологик хизмат фаолиятини такомиллаштириш, эндокрин касалликлар мавжуд беморларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширишга қаратилган миллий дастурлар доирасида қатор чора-тадбирлар қабул қилинди ва фаол амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз тиббиётига соҳани ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, турли соматик касалликларни ташхислаш, олдини олиш ва даволашга қаратилган қатор вазифалар юклатилган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш билан бир қаторда болаларда бирламчи гиперпаратиреозни даволаш усуллари тўғри танлаш, эрта аниқлаш ва назоратга олиш йўллари ишлаб чиқиш беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш, эрта ўлим ва ногиронлик кўрсаткичларини камайтириш имконини беради.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 16 декабрь ПҚ-4891 «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамни аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан-техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муммонинг ўрганилганлик даражаси. Болаларда бирламчи гиперпаратиреоз касаллигини ташхислаш ва даволаш юзасидан турли даражадаги тадқиқотлар олиб борилган. Россия эндокринологлари ва эндокрин жарроҳлари ҳамжамиятининг маълумотларида, болаларда бирламчи гиперпаратиреозни жарроҳлик усулида даволаш - ягона радикал ва самарали усул деб таъкидланган. Бирламчи гиперпаратиреозни радикал даволашнинг афзалликлари - қонда кальций даражасининг меъёрига келиши, гиперкальциемия билан боғлиқ белгиларнинг бартараф этилиши, буйрак ва суяк тўқималари ҳолатининг тикланиши исботланган. (Трошина В.В. ва б., 2019). Аммо, кўп ҳолларда, беморларнинг саломатлиги билан боғлиқ ҳаёт сифати: жисмоний, ақлий, ҳиссий, ижтимоий ҳолати шифокорларнинг эътиборидан четда қолади. Масалан, А.А. Novik, Vatt Torquil (2006) маълумотларига кўра, беморлар ҳаёт сифатини баҳолашда, унинг номувофиқлиги 20-60% ни ташкил қилган.

Болаларда ўтказилган тадқиқотларда тажрибали жарроҳ томонидан бажарилган паратиреодэктомиядан сўнг, даволаш муваффақияти 95-98%,

жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратлар 1-2% ни ташкил этиши аниқланган (Демидова Т.Ю., 2019). С.Narman ва ҳаммуаллифлари (2017) тадқиқотларида болаларда муваффақиятли паратиреоидэктомия ўтказилишига қарамай, касалликнинг яққол клиник кўринишлари билан биргаликда рецидив ривожланиши қайд этилган, касаллик персистенцияси ва рецидивлари 2-7% ҳолларда кузатилган. Шунинг учун муаллифлар болаларда кузатиладиган бирламчи гиперпаратиреозда узоқ муддатли кузатув олиб бориш лозимлигини таъкидлайдилар.

Mihai R, Sadler G.P. (2008) тадқиқотларида беморларда паратиреоидэктомиядан сўнг паратиреоид синдроми сифатида тавсифланган бир қатор белгиларни бартараф этилиши исботланган. Паратиреоидэктомиядан кейин 12 ой ўтгач, ушбу истикболли тадқиқотда 166 нафар беморнинг ҳаёт сифати ўрганилган. Тадқиқотда операция қилинган беморларнинг жисмоний ва руҳий ҳолатини SF-36 (Health Status Questionnaire) сўровномаси асосида баҳоланганда ҳаёт сифати бўйича ижобий натижаларга эришилган. Паратиреоидэктомиядан кейин руҳий бузилишларнинг бартараф этилиши (Adler J.T., 2017), мия фаолиятининг тикланиши, депрессия ва безовталиқ каби белгиларнинг бартараф этилиши қайд этилган (Похожай В.В., 2018). Аммо, илмий изланишларнинг аксарияти, вояга етган аҳоли ўртасида ўтказилган бўлиб, болаларда кам сонли тадқиқотларни ташкил этади.

Республикамизда Исмаилов С.И., Узбеков К.К. (2004), Рахимжонов О.М. (2010) томонидан бирламчи гиперпаратиреозни жарроҳлик усулида даволаш натижаларини ўрганишга бағишланган кенг кўламдаги илмий изланишлар олиб борилган. Шунга қарамасдан, бирламчи гиперпаратиреозни самарали даволаш усуллари тўғри танлаш ва унинг натижаларини беморлар ҳаёт сифатига таъсирини ўрганиш илмий ва амалий нуқтаи назардан долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Касаллик клиник белгиларининг хилма-хиллиги, узоқ вақт “яширин кечиши”, ташхиснинг кечикиши, дастлабки кўрув вақтида диагностик хатоларнинг мавжудлиги, касалликнинг оғир асоратларини ривожланишига сабаб бўлади. Бу эса болаларда ушбу муаммо юзасидан кейинги тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент педиатрия тиббиёт институти эндокринология ва болалар эндокринологияси кафедрасида “Болаларда бирламчи гиперпаратиреоз касаллигини ташхислаш ва даволаш” мавзуси доирасида бажарилган (2020–2022 й.).

Тадқиқотнинг мақсади болаларда бирламчи гиперпаратиреозда паратиреоидэктомиянинг яқин ва узоқ муддатлардаги натижаларини ва ҳаёт сифатини баҳолашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

болаларда бирламчи гиперпаратиреознинг клиник белгилари ҳамда шакллари, ёш гуруҳлари ўртасида мурожаатларга кўра учраш сонини аниқлаш;

паратиреоидэктомия ўтказилган болаларнинг гормонал ва биокимёвий кўрсаткичларини яқин ва узоқ муддатларда баҳолаш;

бирламчи гиперпаратиреоз кузатилган болаларда суяк тўқимасининг минерал зичлигини аниқлаш;

паратиреоидэктомиядан кейинги узоқ муддатларда беморлар ҳаёт сифатини сўровномалар асосида баҳолаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2001-2016 йилларда Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг клиникасига мурожаат этган, бирламчи гиперпаратиреоз ташхиси асосида шифохона шароитида даволанган ва амбулатор кузатувда бўлган 90 нафар бемор болалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморлар амбулатор карталари, PAS (Parathyroid assessment of symptoms) ва SF-36 сўровномалари, қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари, паратиреоид гормонларни иммун фермент таҳлили, қалқонсимон олди беши сцинтиграфияси маълумотлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун, умумий клиник ва биокимёвий усуллар (қондаги умумий ва ионлашган кальций, фосфор, ишқорий фосфатаза, пешобдаги кальций ва фосфор), гормонал текширувлар (паратиреоид гормон, 25(OH)-D витамини), асбобий текширувлар (ультратовуш текширувлари, суяклар рентгенографияси, эхоостеометрияси ва рентгенденситометрияси), беморлар ҳаёт сифатини баҳолаш учун ҳалқаро сўровномалар ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

болаларда бирламчи гиперпаратиреознинг манифест шаклида илк бор паратиреоидэктомиядан кейинги натижалар яқин (1, 3, 6 ой) ва узоқ (1, 5, 10 йил) муддатларда клиник, биокимёвий, гормонал кўрсаткичларни ҳаёт сифати кўрсаткичлари билан солиштириш орқали олинган натижалар асосида болаларда бирламчи гиперпаратиреозни эрта ташхислаш ва назоратга олиш усуллари такомиллаштирилган;

болаларда бирламчи гиперпаратиреозни даволашнинг “олтин стандарти” ҳисобланган паратиреоидэктомия натижасига таъсир этувчи салбий омиллар, жумладан, касаллик давомийлигининг ортиши (4-5 йил), операциядан олдин сурункали буйрак етишмаслиги мавжудлиги (43,2%); кальций ($Ca > 2,9$ ммол/л) ҳамда паратиреоид гормонининг юқори даражаси (ПТГ $> 81,7$ пг/мл) аниқланган;

болаларда бирламчи гиперпаратиреозни даволаш натижаларини ҳаёт сифатига таъсири илк бор сўровномалар асосида ўрганилган, паратиреоид метаболизм даражасини меъёрлаштириш билан бирга муваффақиятли жарроҳлик даволаш, беморлар ҳаёт сифатига ижобий таъсир этиши SF-36 ҳамда PAS сўровномалари асосида олинган натижалар орқали исботланган;

бирламчи гиперпаратиреозни эрта ташхисланмаслиги ва даволанмаслиги натижасида ўлим ва ногиронликка олиб келувчи хавф омиллари кўрсатилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

Республикада болаларда бирламчи гиперпаратиреозни эрта ташхислаш ва даволашни йўлга қўйилиши ушбу касалликни бартараф

қилишда, оғир асоратларнинг ривожланишини олдини олишда, болалар саломатлиги ҳамда ҳаёт сифатини яхшилашда, шунингдек, болаларда ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини пасайишида аҳамиятли эканлиги асосланган.

“Болаларда бирламчи гиперпаратиреозда паратиреоидэктомиядан кейинги ҳаёт сифатини баҳолаш” ҳамда “Бирламчи гиперпаратиреозни эрта ташхислаш” учун ишлаб чиқилган ЭХМ дастури шифокорлар томонидан даволаш тактикасининг келгуси стратегияларини тавсия этишга хизмат қилган.

PAS сўровномаси ёрдамида олинган натижаларга асосланиб ишлаб чиқилган бирламчи гиперпаратиреозни эрта ташхислаш ва назоратга олиш алгоритмидан фойдаланиш тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда назарий ёндашув ва усулларни қўллашнинг тўғрилиги, ўтказилган текширувларнинг аниқлиги, танловнинг етарли ҳажми, замонавий статистик усуллардан фойдаланиш, олинган клиник, биокимёвий, гормонал усуллари; олинган натижалар хорижий ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққослашга асосланган; хулосалар ва олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бирламчи гиперпаратиреозни ўсаётган организмнинг постнатал ривожланишига салбий таъсир кўрсатиш даражасини эрта ташхислаш ва паратиреоидэктомия туфайли бартараф этилиши кўрсатиб берилганлиги, жарроҳлик амалиёти натижасига таъсир этувчи салбий омиллар аниқланганлиги ҳамда касалликни эрта ташхислаш ва назоратга олиш йўллари ишлаб чиқилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қўлга киритилган натижалар асосида шаклланган амалий тавсияларнинг тадбиқ этилиши, беморларни самарали даволаш режасини тузиш, бирламчи гиперпаратиреоз билан хасталанган беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланишига олиб келганлиги, булар ўз навбатида уларни даволашга кетадиган харажатларни камайтириш имконияти билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болаларда бирламчи гиперпаратиреозда паратиреоидэктомиядан кейинги узоқ муддатларда ҳаёт сифатини баҳолаш бўйича тадқиқот натижалари Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг Жиззах филиали бўйича 16.11.2022 йилдаги 99-сонли буйруқ ҳамда Фарғона вилояти эндокринология диспансери бўйича 30.12.2022 йилдаги 85-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган.

Бирламчи гиперпаратиреозни даволашда паратиреоидэктомия ўтказиш учун 4 миллион 358 минг сўм маблағ талаб қилинса, унинг асоратларини даволашда касалхонага ётқизишни ҳисобга олган ҳолда, 7 миллион 853 минг сўмга яқин маблағ талаб қилинади. 1 нафар бемор ҳисобига бирламчи гиперпаратиреознинг асоратларини камайтириш ва олдини орқали давлат маблағларидан 3 миллион 495 минг сўм атрофида иқтисод қилиш имконини беради.

Бирламчи гиперпаратиреозни буйрак асоратлари билан оғриган беморларни кўшимча текшириш усуллари ва йиллик гемодиализ учун сарфланадиган маблағга нисбатан бир марталик паратиреоидэктомия харажатлари 1,2 марта арзон ва 1 нафар бемор ҳисобига 2-3 млн. сўмни тежайди.

Бирламчи гиперпаратиреозга чалинган болаларда касаллик асоратлари натижасида эрта ўлим ва ногиронликка олиб келувчи хавф омилларини аниқлаш ва бартараф этиш 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 89000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 48000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Бирламчи гиперпаратиреоз касаллигига шубҳа қилинган ёки хавф гуруҳига кирувчи беморларда PAS сўровномасини қўллаш орқали беморларни ўз вақтида керакли тиббий муассасаларга юбориш имконини берган ва уни амалга ошириш учун махсус малака оширган шифокорларга эҳтиёж йўқлиги, ортиқча сарф-харажатлар билан махсус тайёргарлик шарт эмаслиги ҳисобига иқтисодий самарадорликка эришилган. Бунда 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 62000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Олинган натижаларни амалиётга жорий этиш натижасида бирламчи гиперпаратиреозни эрта ташхислаш, даволашни самарали усуллариини ўз вақтида қўллаш ушбу касаллик туфайли келиб чиқувчи асоратларни олдини олиш, болалар орасида эрта ўлим ва ногиронлик ҳолатларини камайтириш, ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Рихсиева Назира Тахировнанинг “Болаларда бирламчи гиперпаратиреозда паратиреоидэктомиядан кейинги узоқ муддатларда ҳаёт сифатини баҳолаш” мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Тошкент педиатрия тиббиёт институти эксперт кенгашининг 2023 йил 23 июндаги 03/51 сон хулосасига кўра илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 2022 йил 29 ноябрдаги 03/2515-сонли хати юборилган.

Тадқиқот натижаларини апробация қилиш. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларини нашр этиш. Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий мақола чоп этилган, шундан 9 та мақола Олий аттестация комиссияси томонидан диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган нашрларда, жумладан, 5 та маҳаллий ва 4 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиш. Диссертация 4 боб, хулоса, амалий тавсиялар, иқтибос қилинган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, унинг мақсади ва вазифалари белгиланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ҳамда технологияси ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги тақдим этилган, ишнинг амалий натижалари, уларнинг илмий-амалий аҳамияти ва амалиётга тадбиқ этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертация таркиби тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Болаларда бирламчи гиперпаратиреоз»** деб номланган адабиётлар шарҳи бўлиб, бирламчи гиперпаратиреознинг тарқалиши, этиопатогенези, болалардаги хусусиятлари, ташхислаш, даволаш усулларининг афзаллик ва камчиликлари хорижий ҳамда маҳаллий адабиётлар орқали таҳлил қилинган. Илмий иш мақсадидан келиб чиқиб, халқаро анкеталар ёрдамида ҳаёт сифатини баҳолаш тўғрисидаги маълумотлар батафсил ёритилган. Мазкур муаммонинг ўз ечимини топган ҳамда ечими топилиши лозим бўлган жиҳатлари белгиланган.

Диссертациянинг **«Клиник манбанинг тавсифи ва тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида клиник материалнинг умумий тавсифи, лаборатор ва статистик тадқиқот усуллари келтирилган.


Тадқиқот манбаси сифатида 2001-2016 йилларда Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий эндокринология маркази клиникасига мурожаат этган, бирламчи гиперпаратиреоз ташхиси асосида шифохона шароитида даволанган ва амбулатор кузатувда бўлган 90 нафар бемор болалар олинган.

Тадқиқотнинг биринчи босқичида болаларда бирламчи гиперпаратиреознинг клиник белгилари ҳамда шакллари, ёш гуруҳлари ўртасида мурожаатларга кўра учраш сонини ўрганиш мақсадида, ҳар бир кўриқдан ўтказилган бемор бола учун биз томонимиздан ишлаб чиқилган анамнез маълумотлари, шунингдек, клиник-лаборатор ва инструментал маълумотлар қайд этилувчи анкета тўлдирилди. Беморларнинг 50 нафарини жарроҳлик усулида (паратиреоидэктомия) даволанган (асосий гуруҳ), 40 нафарини амбулатор кузатувда бўлган (операцияга қарши кўрсатмалари мавжуд ҳамда операциядан бош тортган) беморлар (қийсий гуруҳ) ташкил этди. Ушбу гуруҳдаги беморларга кальцийга бой маҳсулотларни рационда камайтириш, суткада 1,5-2 л суюқлик ичиш, витамин Д препаратларини керакли дозада қабул қилиш тавсия этилган.

Назорат гуруҳи 20 та қалқонсимон без ва қалқонсимон олди беги патологияси бўлмаган соғлом болалардан иборат бўлди.

Тадқиқотга 3 ёшдан 15 ёшгача бўлган бирламчи гиперпаратиреоз ташхиси тасдиқланган бемор болалар жалб этилган. Унга оғир соматик касалликлари мавжуд болалар, 3 ёшдан кичик ҳамда 15 ёшдан катта болалар, қандли диабет ва оғир буйрак етишмаслиги билан асоратланган бемор болалар киритилмаган.

Тадқиқот давомийлиги даволашдан кейин яқин муддатларда 1-3-6-ой, узоқ муддатларда 1-5-10 йилни ташкил этди (1-расм).




1-расм. Тадқиқот дизайни.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичида беморларда қалқонсимон без, қалқонсимон олди беши ва буйрақларни УТТ ҳамда гормонларни иммун фермент таҳлил усулида аниқлаш амалиёти ўтказилди. Қон зардобдаги паратиреоид гормон, 25(OH)-D витамини, умумий ва ионлашган кальций, фосфор, ишқорий фосфатаза, пешобдаги кальций ва фосфорни аниқлаш, суяқлар рентгенографияси, эхоостеометрияси ва рентгенденситометрияси усуллари, кўрсатмага кўра, қалқонсимон олди безини скинтиграфия усули, паратиреоид белгиларни ва ҳаёт сифатини сўровномалар асосида баҳолаш усули (PAS ва SF-36 анкетаси), статистик усуллардан фойдаланилган.

Статистик таҳлил. Текширишларда олинган натижалар Microsoft systems “Pentium-IV” нинг WINDOWS XP муҳитидаги “Excel” программаси ёрдамида таҳлил қилинди.

Диссертациянинг «**Шахсий текширишлар натижалари**» деб номланган учинчи бобининг биринчи қисмида дастлаб беморлар (90 нафар) ёш гуруҳлари бўйича тақсимланди. Бирламчи гиперпаратиреозни мурожаатларга кўра учраш сони ўғил болаларда 57,7% ва қиз болаларда 42,3% ни ташкил этди. Ўғил ва қиз болалар ўртасидаги нисбат 1,3:1 га тенг бўлди (2-расм). Бирламчи гиперпаратиреоз кичик мактаб (7-11 ёш) ёшидаги ўғил болаларда (31,1%), қиз болаларга (15,6%) нисбатан кўпроқ ривожланиши қайд этилди.

Бизнинг тадқиқотларимиз маълумотлари жаҳон муаллифларининг маълумотларига тўғри келади, жумладан Alagaratnam (Буюк Британия, 2014й.) кузатувларида ЎБ:ҚБ нисбати 1:1 (7-16 ёш); Bruke (АҚШ, 2013й.) тадқиқотларида ЎБ:ҚБ нисбати 1:1,1 (10-14 ёш); Li илмий изланишларида (Хитой, 2012й.) ЎБ:ҚБ нисбати 1:1,4 (9-16 ёш); Libansky (Чехия, 2008й.) маълумотларида ЎБ:ҚБ нисбати 1:1 (10-16 ёш); Kollars (АҚШ, 2005й.) кузатувларида ЎБ:ҚБ нисбати 1:1,5 (4,9-14 ёш) ни ташкил этган.



Изоҳ - * $p < 0,05$ – иккала гуруҳ кўрсаткичлари орасидаги фарқ ишончилиги

2-расм. Турли ёш гуруҳлари орасида бирламчи гиперпаратиреоз тарқалиши.


Текширилган беморларда касалликнинг дастлабки клиник белгилари намоён бўлишидан бошлаб, то касалликка ташхис қўйилгунга қадар бирламчи гиперпаратиреоз давом этиши бир неча йилларга чўзилган. Бирламчи гиперпаратиреоз касаллигига етарлича баҳо бермаслик сабабларидан бири - уни аниқлаш тизимининг мавжуд эмаслигидир. Тадқиқотдаги 53,3% беморда касалликнинг давомийлиги 4-5 йилни ташкил этди (1-жадвал).

1-жадвал

Бирламчи гиперпаратиреозда беморларни касалликни давомийлигига кўра тақсимланиши

Йиллар	Бирламчи гиперпаратиреоз давомийлиги		Жами
	Ўғил болалар (n=52)	Қиз болалар (n=38)	
0-1	19	14	33
2-3	5	4	9
4-5	28	20	48

Бирламчи гиперпаратиреоз клиник шакллариининг мувожаатларга кўра учраш сонини аниқлаганимизда, болаларда касалликнинг ўзига хос хусусияти - манифест шаклининг устунлиги (96,7%) қайд этилди: бунда унинг буйрак шакли (38,9%) суяк (33,4%) ва аралаш шаклига (24,4%) қараганда кўпроқ кузатилди. Бирламчи гиперпаратиреоз асимптоматик шакли 1,1%, нормокальциемик шакли 1,1%, камсимптоматик шакли 1,1% қайд этилди (3-расм).



3-расм. Болаларда бирламчи гиперпаратиреоз нозологик шакллариининг мувожаатларга кўра учраш сони; n=90

Текширувдаги беморлар орасида кўп йиллар давомида остеопороз кузатилган, нефролитиаз, суяк патологияси юзасидан такрорий жарроҳлик аралашувига дучор бўлган, сурункали буйрак етишмаслиги, меъда яраси, сурункали калькулёз холецистит, панкреатитнинг доимий қайталаниши билан оғриган беморлар қайд этилди. Афсуски, улар чуқур ногиронлик ҳолатида эндокрин жарроҳлар эътиборига тушиб қолганлар. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, тадқиқотда бирламчи гиперпаратиреоз мавжуд болаларда касалликка хос белгилар гуруҳини аниқладик ва клиник белгиларни учраш сонини таҳлил қилдик. Бирламчи гиперпаратиреоз манифест шаклидаги (87 нафар) бемор болаларда жисмоний ривожланишдан ортда қолиш - 63 (72,4%) нафар, нефролитиаз - 21 (24,1%), суяклар деформацияси - 40 (45,9%), патологик суяк синишлари - 25 (28,7%), суяк ва бўғимда оғриқлар - 62 (71,2%), сочларнинг тўкилиши - 41 (47,1%), тирноқлар синувчанлиги - 39 (44,8%) нафар беморда аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

Болаларда бирламчи гиперпаратиреоз турли шаклларида клиник белгиларининг учраши

Касаллик белгилари	Бирламчи гиперпаратиреоз нозологик шакллари					
	Буйрак шакли n=35		Суяк шакли n=30		Аралаш шакли n=22	
	абс	%	абс	%	абс	%
Полидипсия	26	74,2	11	36,3	9	40,2
Полиурия	24	68,5	13	43,3	8	36,3
Нефролитиаз	16	45,7	-	-	5	22,7
Буйрак санчиғи хуружлари	31	88,5	-	-	6	27,3
Сочларнинг тўкилиши	13	37,1	19	63,3	9	40,9
Суяк ва бўғимда оғриқлар	25	71,4	26	86,6	11	50,1
Суяк синишлари	1	2,8	17	56,6	7	31,8
Суяклар деформацияси	1	2,8	27	90	12	54,5
Жисмоний ивожланишдан ортда қолиш	24	68,5	25	83,3	14	63,6
Тишларнинг бўшашиши	11	31,4	13	43,3	7	31,8
Тирноқлар синувчанлиги	7	20	23	76,6	9	45,4

Асосий ва қиёсий гуруҳдаги бирламчи гиперпаратиреоз буйрак ва аралаш шаклидаги 26 нафар беморда буйрак фаолиятида оғир патологиялар аниқланди, жумладан, буйрак аномалиялари - 5 нафар (19,2%) беморда, “куриган” буйрак – 2 нафар (7,6%), фаолиятини йўқотган буйрак – 2 нафар (7,6%), ягона буйрак (нефрэктомиядан сўнг) - 3 нафар (11,5%), нефростома – 3 нафар (11,5%) беморда аниқланди. Сурункали буйрак етишмаслиги 11 (42,3%) нафар беморда қайд этилди. Бу эса ўз навбатида касалликка кеч ташхис қўйилиши ва беморларда буйрак-тош касаллигининг оғир асоратлари ривожланганлигини тасдиқлайди.

Тадқиқотнинг учинчи бобининг иккинчи қисмида **бирламчи гиперпаратиреозда паратиреонидэктомия ўтказилган болаларнинг гормонал ва биокимёвий кўрсаткичларини узоқ ва яқин муддатларда таҳлил қилинди.** Асосий гуруҳдаги болаларда даволашдан олдин 98% гиперкальциемия; 94% гиперпаратиринемия; 88% ионлашган кальций; 78% ишқорий фосфатазанинг юқори даражаси қайд этилди. Жарроҳлик амалиётидан кейин бир ой ўтгач, қондаги кальций миқдори ($2,33 \pm 0,09$ ммоль/л; $p < 0,01$) пасайиб, эрта муддатли кузатув даврида (3-6 ой) назоратга яқин бўлди ($2,32 \pm 0,08$ ммоль/л; $2,34 \pm 0,09$ ммоль/л; $p < 0,01$). Гиперкальциурия 66% беморда кузатилди. Пешобдаги кальций даражаси амалиётдан олдин ($3,42 \pm 0,27$ ммоль/сут) назорат гуруҳидан ($2,46 \pm 0,25$ ммоль/сут) сезиларли фарк қилди, 3 ойдан кейин ($2,46 \pm 0,14$ ммоль/сут; $p < 0,01$) назорат гуруҳига тенг бўлди. Гипофосфатемия 78% беморда қайд этилди. Амалиётдан 3 ой ўтгач, қондаги фосфор ($2,12 \pm 0,12$ ммоль/л) назорат гуруҳи қийматларига сезиларли яқинлашди (3-жадвал).

3-жадвал

Асосий гуруҳдаги беморларда паратиреонидэктомиядан кейин эрта муддатларда биокимёвий кўрсаткичлари динамикаси

Кўрсаткичлар	Назорат, n=20	Операциядан олдин, n=50	о/к 1 ой, n=50	о/к 3 ой, n=50	о/к 6 ой, n=50
Са (қонда) ммоль/л	$2,34 \pm 0,11$	$2,81 \pm 0,11$	$2,33 \pm 0,09$ ^	$2,32 \pm 0,08$ ^	$2,34 \pm 0,09$ ^
Са (пешобда) ммоль/сут	$2,46 \pm 0,25$	$3,42 \pm 0,27$	$2,47 \pm 0,21$ ^	$2,46 \pm 0,14$ ^	$2,45 \pm 0,16$ ^
Р (қонда) ммоль/л	$2,18 \pm 0,13$	$1,94 \pm 0,16$	$1,96 \pm 0,12$	$2,12 \pm 0,12$	$2,16 \pm 0,15$
Р (пешобда) ммоль/сут	$12,3 \pm 0,70$	$17,1 \pm 1,3$	$13,9 \pm 2,8$	$12,9 \pm 0,87$ ^	$12,3 \pm 0,80$ ^
Са ⁺⁺ ммоль/л	$0,76 \pm 0,03$	$1,31 \pm 0,06$	$1,16 \pm 0,05$ *	$0,77 \pm 0,10$ ^	$0,76 \pm 0,01$ ^
ИФ мкм/л	$0,82 \pm 0,05$	$1,99 \pm 0,08$	$1,03 \pm 0,07$ * ^	$0,81 \pm 0,06$ ^	$0,79 \pm 0,07$ ^
ПТГ пг/мл	$60,2 \pm 2,4$	$81,7 \pm 3,3$	$64,2 \pm 2,4$ ^	$60,4 \pm 2,2$ ^	$60,1 \pm 1,3$ ^
25 (ОН) вит Д нмоль/л	$75,0 \pm 2,45$	$61,7 \pm 2,1$	$62,1 \pm 2,3$ * ^	$70,3 \pm 2,5$ ^	$72,6 \pm 1,7$ ^

Изох: * -назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли ($p < 0,01$);

^ - операциядан олдинги кўрсаткичларга нисбатан фарқланиш ишончли ($p < 0,01$)

76% беморларда жарроҳликдан олдин гиперфосфатурия аниқланди. Операциядан 1 ой ўтгач, пешобда фосфорнинг сезиларли даражада пасайиши кузатилди ($13,9 \pm 2,8$ ммоль/л/сут), 3 ойдан ($12,9 \pm 0,87$; $p < 0,01$) кейин назорат қийматларига тенглашди. Ионлашган Са⁺⁺ даражаси операциядан олдин ($1,31 \pm 0,06$ ммоль/л;) назорат кўрсаткичларидан ($0,76 \pm 0,03$ ммоль/л) сезиларли даражада юқори эди. Амалиётдан 3 ва ($0,77 \pm 0,10$ ммоль/л; $p < 0,01$;) 6 ой ўтиб, ($0,76 \pm 0,01$ ммоль/л; $p < 0,01$) кўрсаткичларнинг операциядан олдинги даражага нисбатан пасайиши қайд этилди. Паратиреонид гормон даражаси даволашдан олдин ($81,7 \pm 3,3$ пг/мл; $p < 0,01$) назоратга нисбатан ($60,2 \pm 2,4$ пг/мл) юқори

бўлиб, даволашдан кейин яқин муддатларда (1-3-6 ой) пасайиб бориш тенденцияси қайд этилди ($64,2 \pm 2,4$ пг/мл; $p < 0,01$), ($60,4 \pm 2,2$ пг/мл; $p < 0,01$), ($60,1 \pm 1,3$ пг/мл; $p < 0,01$).

Тадқиқотимиздаги беморларнинг 78% да ишқорий фосфатаза фаоллиги юқори бўлган. Операциядан 1 ой ўтгач, ишқорий фосфатаза фаоллиги пасайди ($1,03 \pm 0,07$ мкм/л; $p < 0,01$), 3 ойдан сўнг ($0,81 \pm 0,06$ мкм/л; $p < 0,01$) назорат қийматига яқинлашди. 25(ОН)D-витамин даражаси операциядан кейин 1 ой ($62,1 \pm 2,3$; $p < 0,01$;) 3 ой ($70,3 \pm 2,5$; $p < 0,01$;) 6 ой ($72,6 \pm 1,7$; $p < 0,01$) ўтгач сезиларли ортди, аммо назорат гуруҳига тенглашмади. Шундай қилиб, ПТЭ ўтказилган асосий гуруҳдаги беморларда қондаги ва пешобдаги кальций даражаси 1 ой; қондаги ва пешобдаги фосфор даражаси 3 ой; қондаги ионлашган кальций, ишқорий фосфатаза ва паратиреоид гормон даражаси амалиётдан кейин 3 ой муддатда тикланиши аниқланди.

Паратиреоидэктомиа ўтказилмаган қиёсий гуруҳда дастлабки текширувда қонда кальций - 97,5%, ишқорий фосфатаза - 87,5%, ионлашган кальций - 90%, паратиреоид гормон - 92,5% беморда юқори бўлди. Қонда гипофосфатемия 82,5% ҳамда гиперфосфатурия 85% беморда қайд этилди. Дастлабки текширувда қондаги Са даражаси юқори бўлиб, 6 ойдан кейин ($2,92 \pm 0,03$ ммоль/л, $p < 0,01$) назорат гуруҳига нисбатан ($2,34 \pm 0,11$ ммоль/л) ортди. Пешобдаги кальцийнинг юқори даражаси 3 ой ($3,42 \pm 0,21$ ммоль/сут, $p < 0,01$) ва 6 ой ($3,44 \pm 0,26$ мг/сут, $p < 0,01$;) давомида ортиши қайд этилди (4-жадвал).

4-жадвал

Қиёсий гуруҳдаги беморларни биокимёвий кўрсаткичлари динамикаси

Кўрсаткичлар	Назорат n=20	Дастлабки текширувдаги кўрсаткичлар n=40	1 ойдан кейин n=40	3 ойдан кейин n=40	6 ойдан кейин n=40
Са (қонда) ммоль/л	$2,34 \pm 0,11$	$2,90 \pm 0,03$	$2,90 \pm 0,03$ *	$2,91 \pm 0,02$ *	$2,92 \pm 0,03$ *
Са пешобда) ммоль/сут	$2,46 \pm 0,25$	$3,41 \pm 0,12$	$3,41 \pm 0,14$ *	$3,42 \pm 0,21$ *	$3,44 \pm 0,26$ *
Р (қонда) ммоль/л	$2,18 \pm 0,13$	$1,88 \pm 0,07$	$0,89 \pm 0,11$ *	$0,86 \pm 0,18$ *	$0,85 \pm 0,06$ *
Р(пешобда) ммоль/сут	$12,3 \pm 0,70$	$16,1 \pm 1,2$	$16,3 \pm 1,3$ *	$16,7 \pm 0,9$ *	$16,8 \pm 1,1$ *
Са ⁺⁺ ммоль/л	$0,76 \pm 0,03$	$1,34 \pm 0,03$	$1,34 \pm 0,05$ *	$1,34 \pm 0,06$ *	$1,37 \pm 0,09$ *
ИФ мкм/л	$0,82 \pm 0,05$	$1,98 \pm 0,09$	$1,98 \pm 0,11$ *	$2,01 \pm 0,08$ *	$2,03 \pm 0,09$ *
ПТГ пг/мл	$60,2 \pm 2,4$	$82,3 \pm 3,5$	$80,9 \pm 4,9$ *	$82,4 \pm 3,9$ *	$84,1 \pm 2,4$ *
25 (ОН) D нмоль/л	$75,0 \pm 2,45$	$61,4 \pm 2,0$	$60,4 \pm 0,01$ *	$57,1 \pm 0,02$ *	$56,3 \pm 0,01$ *

Изоҳ: * -назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли ($p < 0,01$)

Қонда фосфор даражасини камайиши дастлабки текширувда ($1,88 \pm 0,07$ ммоль/л) қайд этилди, 3 ой ($0,86 \pm 0,18$ ммоль/л, $p < 0,01$;) ва 6 ой давомида ($0,85 \pm 0,06$ ммоль/л, $p < 0,01$) назоратга нисбатан аҳамиятли пасайиши кузатилди. Дастлаб пешобдаги фосфор ($16,1 \pm 1,2$ ммоль/сут) назорат

кўрсаткичидан ($12,3 \pm 0,70$ ммоль/сут) юқори бўлди, 1-3-6 ой давомида ($16,3 \pm 1,3$ ммоль/л, $p < 0,01$; $16,7 \pm 0,9$ ммоль/л, $p < 0,01$; $16,8 \pm 1,1$ ммоль/л, $p < 0,01$) ортиб боришга мойиллик кузатилди. Ионлашган Ca^{++} дастлабки текширувдаги даражаси ($1,34 \pm 0,03$ ммоль/л) 1-3-6 ойдан кейин қайта текширилганда мос равишда назоратга ($0,76 \pm 0,03$ ммоль/л) нисбатан ортиши ($1,34 \pm 0,05$ ммоль/л, $p < 0,01$; $1,34 \pm 0,06$ ммоль/л, $p < 0,01$; $1,37 \pm 0,09$ ммоль/л, $p < 0,01$) қайд этилди. Ишқорий фосфатаза даражаси 3-6 ой муддатларда ($2,01 \pm 0,08$ мкм/л, $p < 0,01$; $2,03 \pm 0,09$ мкм/л, $p < 0,01$) назорат қийматларига нисбатан ортди. ПТГ миқдори дастлаб ($82,3 \pm 3,5$ пг/мл) назорат қийматидан ($60,2 \pm 2,4$ пг/мл) ортиши қайд этилди. 3-6 ойдан сўнг (мос равишда $82,4 \pm 3$, $p < 0,01$; $84,1 \pm 2,4$ пг/мл, $p < 0,01$;) статистик жиҳатдан назоратга нисбатан аҳамиятли ўсиши аниқланди. Дастлабки текширувда 25 (ОН) D нмоль/л даражаси $61,4 \pm 2,0$ пг/мл бўлиб, 6 ой ичида унинг қийматлари ($56,3 \pm 0,01$ пг/мл; $p < 0,01$) аҳамиятли пасайди.

Шундай қилиб, ПТЭ ўтказилмаган қиёсий гуруҳдаги беморларда дастлабки текширув қийматларига нисбатан қонда ва пешобда кальций даражаси 6 ойдан кейин ортиши, қонда фосфор даражасининг пасайиб, пешобда ортиши, ишқорий фосфатаза ва паратиреоид гормон даражасининг ортиб бориши қайд этилди. Бирламчи гиперпаратиреоз кузатилган бемор болаларда паратиреоидэктомиядан кейинги узок муддатларда (1-5-10 йил) динамик кузатувлар шуни кўрсатдики, қондаги кальций, фосфор, ПТГ, 25 (ОН) D-витамини даражалари жарроҳлик амалиётидан кейин меъёрий кўрсаткичларга тенглашди (5-жадвал).

5-жадвал

Асосий гуруҳдаги беморларда паратиреоидэктомиядан кейин узок муддатларда биокимёвий кўрсаткичлари динамикаси

Кўрсаткичлар	Назорат, n=20	Операциядан олдин, n=50	о/к 1 йил, n=50	о/к 5 йил, n=50	о/к 10 йил, n=50
Са (қонда) ммоль/л	$2,34 \pm 0,11$	$2,81 \pm 0,11$	$2,29 \pm 0,03^*$	$2,27 \pm 0,04^*$	$2,33 \pm 0,05^*$
Са (пешобда) ммоль/сут	$2,46 \pm 0,25$	$3,42 \pm 0,27$	$2,42 \pm 0,11^*$	$2,40 \pm 0,13^*$	$2,16 \pm 0,37^*$
Р (қонда) ммоль/л	$2,18 \pm 0,13$	$1,94 \pm 0,16$	$2,18 \pm 0,13$	$2,16 \pm 0,07$	$2,18 \pm 0,06$
Р (пешобда) ммоль/сут	$12,3 \pm 0,70$	$17,1 \pm 1,3$	$12,2 \pm 0,83^*$	$12,3 \pm 0,2^*$	$12,3 \pm 0,1^*$
Ca^{++} ммоль/л	$0,76 \pm 0,03$	$1,31 \pm 0,06$	$0,77 \pm 0,02^*$	$0,77 \pm 0,01^*$	$0,76 \pm 0,01^*$
ИФ мкм/л	$0,82 \pm 0,05$	$1,99 \pm 0,08$	$0,78 \pm 0,02^*$	$0,77 \pm 0,02^*$	$0,76 \pm 0,02^*$
ПТГ пг/мл	$60,2 \pm 2,4$	$81,7 \pm 3,3$	$60,1 \pm 1,1^*$	$60,2 \pm 0,01^*$	$60,3 \pm 0,02^*$
25 (ОН) вит Д нмоль/л	$75,0 \pm 2,45$	$61,7 \pm 2,1$	$73,2 \pm 2,3$	$74,6 \pm 1,5$	$75,3 \pm 1,05$

Изоҳ:* - операциядан олдинги кўрсаткичларга нисбатан фарқланиш ишончли ($p < 0,01$)

Бирламчи гиперпаратиреоз кузатилган қиёсий гуруҳдаги бемор болаларда узок муддатлардаги текширувларда (1-5-10 йил) қондаги кальций, ПТГ, ишқорий фосфатаза, даражаларини статистик жиҳатдан ортиб бориши кузатилди (6-жадвал).

Киёсий гуруҳдаги беморларни узоқ муддатларда биокимёвий кўрсаткичлари динамикаси

кўрсаткичлар	назорат n=20	дастлабки кўрсаткичлар n=40	1 йилдан кейин n=40	5 йилдан кейин n=40	10 йилдан кейин n=40
Са (қонда) ммоль/л	2,34±0,11	2,90±0,03	2,92 ±0,01 *	2,92±0,02 *	2,93 ±0,01 *
Са (пешобда) ммоль/сут	2,46±0,25	3,41±0,12	3,49±0,11 *	3,54 ±0,09 *	3,56 ±0,12 *
Р (қонда) ммоль/л	2,18±0,13	1,88±0,07	0,85±0,07 * ^	0,80 ±0,03 * ^	0,80 ±0,01 * ^
Р (пешобда) ммоль/сут	12,3±0,70	16,1±1,2	17,3±0,1 *	17,6 ±0,2 *	17,8 ±0,4 *
Са ⁺⁺ ммоль/л	0,76±0,03	1,34±0,03	1,35±0,08 *	1,35±0,09 *	1,36 ±0,02 *
ИФ мкм/л	0,82±0,05	1,98±0,09	2,06±0,02 *	2,11 ±0,11 *	2,12 ±0,02 *
ПТГ пг/мл	60,2±2,4	82,3±3,5	83,6 ±1,1 *	84,3 ±1,2 *	86,7 ±2,2 *
25 (ОН) вит Д нмоль/л	75,0±2,45	61,4±2,0	54,2±0,02* ^	52,3±0,01 * ^	51,1±0,03 * ^

Изоҳ: *-назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли (p<0,001)

^ - дастлабки текширувдаги кўрсаткичларга нисбатан фарқланиш ишончли (p<0,001)

Паратиреоидэктомиядан кейинги узоқ даврда олиб борилган кузатишлар асосий гуруҳдаги беморларда паратиреоидэктомиянинг Са – F алмашинувига ижобий таъсирини кўрсатди. Аммо киёсий гуруҳдаги патогенетик терапия ўтказилмаган беморларда аксинча, кузатув давомида ушбу кўрсаткичларда натижалар қониқарсиз бўлди.

Тадқиқотни учинчи бобининг учинчи қисмида **бирламчи гиперпаратиреоз кузатилган болаларда суяк тўқимасининг минерал зичлиги ўрганилди**. Беморлар рентгенденситометрия ва эхоостеометрия ёрдамида текширувдан ўтказилди. Рентгенденситометрия натижаларига кўра, асосий гуруҳдаги бемор болаларда жарроҳлик амалиётидан олдин суякни компакт ва ғовак моддаси минерал зичлиги мос равишда 64% ва 72% га пасайиши қайд этилди. Амалиётдан бир йил ўтиб, динамик кузатув суяк минерал зичлигини тикланиши ва назорат қийматларига яқинлашганини кўрсатди. Узоқ муддатларда (5-10 йил) суяк компакт (94,1±0,5; p<0,05; 94,2±0,4; p<0,05) ҳамда ғовак (55,2±0,5; p<0,05; 55,7±0,3; p<0,05) модданинг минерал зичлиги кўрсаткичлари турғун сақланиб қолди (7-жадвал).

Асосий гуруҳдаги болаларда суяк минерал зичлиги кўрсаткичлари

Текширув соҳаси		Назорат гуруҳи n=20	Операциядан олдин n=50	о/к 6 ой n=50	о/к 1 йил n=50	о/к 5 йил n=50	о/к 10 йил n=50
мг/мм ³	Компакт модда	94,1±0,3	91,7±0,4*	93,4±0,1*^	93,9±0,4^	94,1±0,5^	94,2±0,4^
	Ғовак модда	55,0±0,3	51,2±0,6*	54,3±0,4^	54,8±0,5^	55,2±0,5^	55,7±0,3^

Изоҳ: *-назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли (p<0,05)

^ - жарроҳлик амалиётидан олдинги кўрсаткичларга нисбатан фарқланиш ишончли (p<0,05)

Қиёсий гуруҳдаги болаларда дастлабки текширувда суякни компакт моддаси минерал зичлиги мос равишда 62,5% ва 65% га пасайганлиги аниқланди (8-жадвал). Узоқ муддатли кузатувларда (5-10 йил) суяклар минерал зичлигининг пасайиб бориши қайд этилди.

8-жадвал

Қиёсий гуруҳдаги болаларда суяк минерал зичлиги кўрсаткичлари

Текширув соҳаси		Назорат гуруҳи n=20	Дастлабки текширув кўрсаткичлар n=40	6 ойдан кейин n=40	1 йилдан кейин n=40	5 йилдан кейин n=40	10 йилдан кейин n=40
мг/мм ³	Компакт модда	94,1±0,3	91,4±0,3*	91,6±0,1*	91,2±0,4*	84,1±0,3 [^]	88,3±0,5 [^]
	Говак модда	55,0±0,3	51,2±0,4*	51,9±0,4*	51,1±0,5*	50,8±0,5 [^]	50,1±0,4 [^]

Изоҳ: * -назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли (p<0,05)

[^] - дастлабки текширув кўрсаткичларга нисбатан фарқланиш ишончли (p<0,05)

Эхоостеометрия натижаларига кўра, бирламчи гиперпаратиреоз кузатилган асосий гуруҳдаги болаларда даволашдан олдин катта болдир суягида 60%, тирсак суягида 52%, ўмров суягида 40%, пастки жағ суягида 82% беморда ультратовуш тўлқини тарқалишининг пасайиши кузатилди. Паратиреоидэктомиядан бир йил ўтгач, суяк тўқимаси структураси сезиларли тикланиши тирсак (3438,8±105,6м/с; p<0,05) ҳамда катта болдир суягида (3465,2±108,5м/с; p<0,01) қайд этилди. Кузатувнинг 5-чи йилига келиб, ўмров (3319,1±102,1м/с; p<0,05) ва пастки жағ (3293,6±106,6м/с; p<0,01) суяклариди суяк тўқимаси структураси тўлиқ тикланиши кузатилди (9-жадвал).

9-жадвал

Асосий гуруҳдаги болаларда паратиреоидэктомиядан олдин ва кейин эхоостеометрия кўрсаткичлари динамикаси

Текширилаётган соҳа	Назорат гуруҳи n=20	Операциядан олдин n=50	Операциядан кейин 6 ой n=50	Операциядан кейин 1 йил, n=50	Операциядан кейин 5 йил, n=50
Пастки жағ суяги, м/с	3293,3±15,4	2998,3±98,5	3173,2±96,4	3186,7±104,5	3293,6±106,6 [^]
Ўмров суяги, м/с	3318,3±22,9	3070,1±53,7	3202,9±103,3	3226,7±102,4	3319,1±102,1 [^]
Тирсак суяги, м/с	3440,4±29,9	3122,2±34,6*	3349,8±108,9 [^]	3438,8±105,6 [^]	3440,5±108,6 ^{^^}
Катта болдир суяги м/с	3451,0±21,5	3131,1±34,6*	3385,5±105,8 [^]	3465,2±108,5 ^{^^}	3459,2±109,1 ^{^^}

Изоҳ: * -назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли (p<0,01)

[^] - жарроҳлик амалиётидан олдинги кўрсаткичларга нисбатан фарқланиш ишончли ([^]-p<0,05; ^{^^} - 0,01)

Бирламчи гиперпаратиреоз кузатилган қиёсий гуруҳдаги болаларда дастлабки текширувда катта болдир суягида 75%, тирсак суягида 65%, ўмров суягида 55%, пастки жағ суягида 80% беморда ультратовуш тўлқини тарқалишининг пасайиши кузатилди. Касалликни 4-5 йилидан бошлаб, кортикал қатламнинг емирилиши кучайиб бориб, болдир суяги (2957,1±95,9м/с; p<0,05) ва тирсак (2965,4±100,7м/с; p<0,05) суяклариди суяк массасининг шиддатли равишда пасайиши қайд этилди (10-жадвал).

**Қиёсий гуруҳдаги болаларда узок муддатли кузатувларда эхоостеометрия
кўрсаткичлари динамикаси**

Текширилаётган соҳа	Назорат гуруҳи n=20	Дастлабки текширувда n=40	6 ойдан кейин n=40	1 йилдан кейин n=40	5 йилдан кейин n=40
Пастки жағ суяги, м/с	3293,3±15,4	3150,7±24,5	3005,2±83,4	2989,8±96,8*	2789,8±96,8**^
Ўмров суяги, м/с	3318,3±22,9	3271,7±24,4	3102,9±43,3	3001,8±97,5*	2801,8±97,5**^
Тирсак суяги, м/с	3440,4±29,9	3315,8±40,5	3249,8±38,9	3165,4±100,7*	2965,4±100,7**^
Болдир суяги м/с	3451,0±21,5	3365,2±25,8	3285,5±45,8	3157,1±95,9*	2957,1±95,9**^

Изоҳ: * -назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли (* - p<0,05, ** - p<0,01)
^ - дастлабки текширув кўрсаткичларга нисбатан фарқланиш ишончли (^ - p<0,05)

